



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

Рахмонов Лочин Тўхтамишович

и.ф.ф.д.(PhD) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10820155>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-March 2024 yil
Ma'qullandi: 12-March 2024 yil
Nashr qilindi: 15-March 2024 yil

KEY WORDS

ахборот технологиялари,
яширин иқтисодиёт, интернет,
бизнес жараёнлар, сунъий
интеллект.

ABSTRACT

Мазкур мақола рақамли иқтисодиётни
ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини
назарий таҳлил қилишга бағишланган. Муаллфи
томонидан мамлакатимизда рақамли
иқтисодиётни ривожлантиришга доир ҳуқуқий-
меъёрий ҳужжатлар тизимлаштирилган

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан
янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтиш белгилаб олинди.
Инновацион ғоялар, юқори технологияларни ишлаб чиқариш учун замонавий билим ва
мукаммал малакага эга мутахассисларни тайёрлаш, бунинг учун эса, миллий таълим
tizimida кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «...Ўзбекистонни
технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли
миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий
топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим».

XXI аср том маънода ахборот асрига айланди. Шу жумладан, 2022 — 2026
йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жаҳон бозори
конъюнктураси кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда
мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг
рақобатбардошлигини ошириш вазифаси қўйилган. Бу стратегияни муваффақиятли
амалга ошириш, биринчи навбатда, инсон капиталига – барча фуқароларимизнинг
чуқур замонавий билим ва юксак маҳоратга эга бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун
мамлакатимизда электрон таълимни жорий қилишни жадаллаштириш стратегик
вазифа сифатида белгиланди.

2.Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида норматив-
ҳуқуқий асослар қабул қилинди ва бу асослар мамлакат тармоқ ва соҳаларида
янгиликларни жорий қилиш имконини берди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистондаги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ҳужжат номи	Ҳужжат тури	Қабул қилинган сана	Асосий мақсади
2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси	Қарор	29.01.2022й.	Мамлакатда босқичма-босқич туб ислохотларни амалга ошириш. Инновацион технологияларнинг иқтисодийётнинг турли тармоқларидаги иштирокини жадаллаштириш.
«2018 йил – фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» давлат дастури	Фармон	22.01.2018й.	Фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш (шунингдек, Дастурда режалаштиридган бешта йўналиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш).
Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида	Фармон	30.06.2017й.	АКТдан фойдаланишга асосланган иқтисодийётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ҳамда фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш.
«Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги	Қарор	21.11.2018й.	Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» жамоат тартибига кўмаклашиш марказини ташкил этишдан иборат.
«Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги	Қарор		2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш.

Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [2] (1-жадвал) Фармони АКТдан фойдаланишга асосланган иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ҳамда фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар, преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, АКТ маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур Фармон билан мамлакатимизда биринчи мартаба ахборот технологиялари соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқувчиларни бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази тузилди. [3]

«2018 йил – фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида – фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш масалалари ҳам илгари сурилди. Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Жумладан, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларида инвестициявий, молиявий ва бошқа ресурсларни бирлаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон қарорига мувофиқ рақамли иқтисодиётни ривожлантириш фонди ташкил этилиб, уни фаолиятига оид ташкилий тадбирлар, хусусан, вазифалари, молиялаштириш манбалари белгиланди:[4]

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш фонди давлат-хусусий шерикчилик шартларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга оид истиқболли ва стратегик муҳим, шу жумладан крипто-активлар айланмаси ва крипто-биржалар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширади, «Blockchain technology»ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашади.

Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Hi-tech city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасини Агентликка бегараз

ўтказиш ҳамда унинг номини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасига ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари ҳам айнан шу Қарор доирасида маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам имзоланди. Ҳужжатга мувофиқ, умумий штат бирлиги 198 нафар, шу жумладан, ҳудудий бўлинмаларда – 110 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, давлат унитар корхонаси шаклида Техник кўмаклашиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» жамоат тартибига кўмаклашиш маркази ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёевнинг «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистонда «Blockchain», «crypto» активлар ва «Mining» («криптовалюта» платформаларининг ишлаши учун зарурий тузилмалар) технологиялари жорий қилинади. Фармонда айтилишича, «Blockchain technology» давлат органлари фаолиятига татбиқ қилинади.[5]

Шунингдек, ҳужжатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланди:

- «Crypto» активлар, жумладан, «Mining» (майнинг), «Smart contract», «Blockchain»ни тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятга татбиқ қилиш;
- «Blockchain»соҳаси мутахассисларини тайёрлаш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик қилиш учун халқаро ва хориж ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш;
- «Blockchain technology»ларини жорий қилишнинг қонуний асосларини ишлаб чиқиш;
- рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган янги технологияларни жорий қилишда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги масъул орган сифатида белгиланди. Агентлик қайси соҳаларга «Blockchain»ни жорий қилиш зарурлигини белгилаб беради. Шунингдек, крипто активлардан фойдаланиш, уларни сотиш, сотиб олиш жараёни қонунийлаштирилади. Крипто активлар ёрдамида амалга оширилган молиявий операциялар солиққа тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида яна бир йирик лойиҳалардан бири «Smart Cities (Ақлли шаҳар)»дир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда ҳам «Smart Cities» барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда.[6]

«Smart Cities», бу – шаҳарсозликнинг янги кўринишидир. Ақлли шаҳар

маъносини берувчи «Smart Cities» келажакда экологик тоза ва иқтисодий тараққий этган, шу билан бирга, аҳоли бандлиги таъминланган маконни англатади. Мамлакатимизда ушбу лойиҳа Россиялик инвесторлар томонидан босқичма-босқич амалга оширилиши бошлаб юборилди. 2018 йил Сколковода бўлиб ўтган «Очиқ инновациялар» йиллик Москва форуми доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг инновациялар департаменти билан «Universa» компанияси ўртасида тегишли битим имзоланди.

«Blockchain technology» қўлланилган смарт-платформа пойтахтимиз ҳаётининг турли соҳаларида одамлар, шаҳар хизматлари ва бизнес ўртасида янги муносабатлар ўрнатиб, молиявий чиқимлар камайишини таъминлайди.

Бугун рақамли технологиялар иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига жадал кириб бормоқда. Электрон тижоратнинг ривожланиши, турли тўлов хизматларини этказиб берувчилар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланиши ва кучайиши, чакана тўловлар бўйича транзакцион харажатлар қисқартирилишини, шунингдек, тўловларни амалга оширишда молиявий институтларнинг воситачилигини талаб этмайдиган инновацион ва жозибадор тўлов воситаларининг жорий қилинишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонунининг [7] қабул қилиниши электрон пуллар муомаласини, жумладан, электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Мазкур ҳужжат жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, электрон пуллар тизими фаолиятини ташкил этиш, электрон пуллар муомаласи, электрон пуллар тизимида рискларни бошқариш ҳамда тизимда хавфсизликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди. Бундан кутилган пировард натижа иқтисодий ўсишни таъминлаш ва бунинг натижасида аҳоли фаровонлигини оширишдир.

Электрон пуллар тизимига оид асосий тушунчалар, шу жумладан, «айирбошлаш операцияси», «бир ва кўп эмитентли электрон пуллар тизими», «олдиндан тўланган карта», «электрон пуллар тизимининг агенти», «электрон ҳамён» ва соҳага оид бошқа терминларга батафсил тушунтиришлар берилган.

Қоидага кўра, эмитент, оператор, электрон пуллар тизимининг агенти, электрон пуллар эгаси, шунингдек, эмитент билан шартнома тузган банклар, тўлов ташкилотлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар электрон пуллар тизимининг субъектлари ҳисобланади. Бунда электрон пуллар тизимининг ишлашини таъминлайдиган банк ва тегишли лицензияга эга бўлган тўлов ташкилоти – электрон пуллар тизимининг операторидир. Эмитент ёки эмитент бўлмаган бошқа банк оператор билан тузилган шартнома асосида электрон пуллар тизимининг ҳисоб-китоб банки сифатида фаолият юритиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, эмитент ўз фаолиятини бошлаши учун, энг аввало, электрон пулларни чиқариш ва реализация қилиши тўғрисида Марказий банкка белгиланган шаклдаги хабарнома ва унга илова сифатида оператор билан тузилган шартнома ҳамда электрон пуллар тизими субъектлари билан тузиладиган шартномалар намуналарини юбориши зарур.

Ҳужжатга мувофиқ, электрон пулларнинг чиқарилиши эмитент томонидан жисмоний шахс ёки электрон пуллар тизимининг агентидан қабул қилинган пул маблағлари доирасида электрон пуллар тизими қоидалари ҳамда электрон пулларни

чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплаш тўғрисидаги шартномага асосан амалга оширилади.

Эмитент томонидан электрон пулларнинг чиқарилиши учун жисмоний шахс нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда пул маблағларини тақдим этиши зарур. Ушбу пул маблағлари эмитент томонидан ҳисоб-китоб банкида очилган махсус ҳисобвараққа кирим қилиниши таъминланади.

Электрон пулларни жисмоний шахсга ва электрон пуллар тизимининг агентига реализация қилиш электрон пуллар тизими томонидан ҳар бир электрон пуллар эгасига шакллантириладиган электрон ҳамёнга эмитентдан сотиб олинган электрон пулларни кирим қилиш орқали амалга оширилади.

Эмитент ёки оператор билан тузилган шартнома асосида электрон пуллар тизимининг агенти электрон ҳамёнга эга бўлган жисмоний шахсларга ушбу пулларни реализация қилиш ёки уларни қоплаш мақсадида электрон пулларнинг номинал қиймати бўйича унинг эгаси бўлган жисмоний шахсдан сотиб олиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эмитент томонидан чиқариладиган электрон пуллар фақат миллий валютада номиналлаштирилган бўлиши шарт.

Эмитент ва электрон пуллар тизимининг агенти томонидан электрон пулларни чиқаришда унинг эгасига электрон пулларни реализация қилинганлиги ва электрон пулларнинг эгаси электрон пулларни сотиб олганлигини тасдиқловчи квитанция ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжат қоғоз шаклда ёки электрон шаклда тақдим этилади. Мазкур квитанцияда кўрсатилиши мажбурий бўлган реквизитлар, хусусан,

агент, эмитент ва операторнинг номи;

операциянинг амалга оширилган санаси ҳамда вақти;

амалга оширилган операциянинг тартиб рақами;


реализация қилинган электрон пуллар суммаси;

электрон пуллар эгасига тегишли электрон ҳамённинг идентификация коди;

ундириладиган воситачилик ҳақи миқдори кўрсатилиши шарт.

Марказий Осиёда биринчи криптовалюта биржаси Ўзбекистонда очилди. Кореянинг Кобеа компанияси ушбу фаолиятни амалга ошириш бўйича лицензия олди.

Рақамли иқтисодиётнинг республикада кенг кўламда жорий этилишини баҳолаш қуйидаги компонентлар асосида амалга оширилади: иқтисодий ва ижтимоий боғлиқлик; рақамли трансформация: давлат сектори, тадбиркорлик, уй хўжалиги; иқтисодиётнинг рақамли сектори; рақамли технологиялар; анъанавий иқтисодиёт (1-расм).



1-расм. Мамлакатнинг рақамли иқтисодиётга тайёрлигини баҳолаш методикасининг асосий занжирли компонентлари

Иқтисодиёт секторларига рақамли технологияларни татбиқ этишнинг кўлами ва уларнинг занжирли таъсирлари натижасида шаклланивчи «рақамли дивиденд»лар иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ” [8] Рақамлашган давлат, корхона ва фирмалар, уй хўжаликлари ўзаро боғлиқ ва иқтисодий муносабатга киришиш орқали иқтисодий ўсишнинг таъминлашга хизмат қилади. Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, бандлик масаласини ҳал этишга, хизматлар сифатининг яхшиланишига ва пировардида ижтимоий фаровонликнинг таъминланиши ва Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда позициясининг яхшиланиши вужудга келади.

Амалга оширилаётган ислохотлар фақат мамлакат доирасида эмас, балки иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ҳам узлуксиз татбиқ қилиниб бормоқда. Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қилади. Йилдан-йилга одамлар Интернет ва мобил телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматларга узоқ вақтдан бери кириш ҳуқуқи муҳим аҳамиятга эга.

Рақамли иқтисодиёт элементларининг тез суръатларда амалиётга татбиқ этилиши ресурслардан фойдаланиш унумдорлигини оширишга ва оқибатда иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади. Ушбу борада олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам қайсидир маънода соҳанинг ривожланишига ва истиқболда ЯИМ таркибида рақамли иқтисодиёт улушининг ошишига олиб келади. Истиқболда

мамлакатларнинг комплекс ривожланиши рақамли иқтисодиётнинг улуши билан белгиланиши ва Интернетдан фойдаланувчилар сонининг мунтазам ошиб бориши билан ўлчаниши табиийдир.

Бугунги кунда банклар узоқ муддатли – узоқ масофали банк хизматлари билан бирлаштирилган жуда кенг қамровли хизматлар таклиф этмоқда. Энг машхур ва кенг тарқалган Интернет банкинг ва мобил банкинг тизимларидир. Ўзбекистоннинг бир қатор банклари нафақат юридик шахсларга, балки жисмоний шахсларга ҳам ушбу машхур хизматларни тақдим этмоқда.

Интернет-банкнинг – бу банк ҳисобига масофадан фойдаланишни ва уни Интернет орқали иш столи ёки ноутбукдан реал вақтда бошқаришни назарда тутди. Мобил банкинг деярли бир хил имкониятларни тақдим этади, аммо бу ҳолда уяли телефонни бошқариш воситаси мобил телефон ҳисобланади.

Бугун ички бозорда жисмоний шахсларга интернет-банкнинг ёки мобил банкинг хизматларини тақдим этувчи банкларнинг фаолияти кенгаймоқди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари сонининг кўпайиши банкларни интернет орқали аҳолига хизмат кўрсатиш борасида жиддий ўйлашни таъминлайди.

Ўзбекистонда Интернет-банкнинг 2007 йилда корпоратив мижозлар учун хизмат сифатида пайдо бўлди. Мамлакатда ривожланишнинг навбатдаги босқичи бу хизматни жисмоний шахслар учун жорий қилиш эди. Самарқанд банки жисмоний шахсларга Интернет-банкнинг хизматларини энг кўп таклиф қилган Ўзбекистоннинг биринчи банки бўлди. Банк 2009 йил 1 май куни Интернетда янги хизматни ишга туширди ва уни – Интернет банкинг маҳсулоти деб эълон қилди.

Самарқанд банк мижозлари мобил ва шаҳардаги телефония, интернет-провайдерлар, коммунал хизматлар учун пуллик хизматларни узиш имконига эга бўлишлари, интернет-дўконларда харид қилишлари, корхоналар ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига пул ўтказишлари, банкларга молиявий ҳужжатларни юборишлари ва ҳисоб-китоб ҳаракати ҳақида маълумот олишлари мумкин. Яқинда банк ўз мижозларини банк депозитларига масофадан туриб танлаш ва жойлаштириш имкониятини тақдим этди.

Иккинчисини «Алоқабанк» 2010 йил 1 ноябрдан бошлаб жисмоний шахсларга таклиф қила бошлаган Интернет-банкнинг тизими орқали амалга оширди. Бугунги кунда у «UzMobile», «UzNet» хизматларини кўрсатиш имконини беради ва ўз ҳисоблари ҳақидаги маълумотларни кузатиб боради.

2011 йил феврал ойида ёш «Hi-Tech Bank» жисмоний шахслар учун мобил банкинг хизматларини жорий этишни эълон қилди. Ушбу хизмат ўз мижозларига мобил алоқа, Интернет-провайдерлар, уй телефони учун тўловларни амалга ошириш ҳамда уяли телефон орқали ҳисобнинг жорий ҳолати ва ҳаракатлари ҳақида маълумот олиш имконини беради.

Мобил банкинг)» – Интернет-банкнингнинг мантиқий ривожланиши. Бироқ, бугунги кунда кўплаб маҳаллий банкларда унинг тўлиқ бўлмаган версияси – СМС-хабарларни жўнатиш ва қабул қилиш имконини беради, бу СМС-хабарларни жорий баланслар ва депозит ҳисобварақларидаги пул оқимлари, шу жумладан, банк пластик карталари эгалари ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумот билан таъминлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мобил электрон тўлов тизимининг пайдо бўлиши

«Mobile Payment (СМС-Тўлов)» Ўзбекистонда Интернет-банкнинг хизматининг қўшимча ривожланишига ёрдам берди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими – мижознинг тўловни жўнатган компания ўртасида банк автоматлаштирилган тўловларни бошқариш тизимида ишлаб чиқариладиган тўловларни қабул қилиш тизимидир.

«Mobile Payment» тизими СМС-хабарларни жўнатиш орқали тўловларни амалга ошириб, мобил телефон орқали Интернет тармоғи орқали хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи мобил банкнинг хизматидан фарқли ўлароқ. Бундан ташқари, тизим шунингдек мижозга компания веб-сайтида шахсий ҳисоб орқали товарлар ва хизматлар сотиб олиш учун тўловларни амалга ошириш имконини беради.

2011 йил 17 март куни «Микрокредитбанк» нинг тезкор бошқаришида СМС-Тўлов орқали тўлов тўловлари амалга оширилди. Ўз навбатида, «Билайн» мобил алоқа оператори янги тизим ёрдамида тўловларни қабул қила бошлади.

Оддий фойдаланувчилар, масофавий банк хизматининг қанчалик хавфсиз эканлиги ҳақида ташвишланишмоқда. Ички бозорда масофали банк хизматида фирибгарлик ҳолатлари мавжуд эмаслигига қарамасдан, жаҳон тажрибаси бу соҳада ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўрсатади. Бироқ, банклар ўз веб-сайтларида мажбурий равишда ҳисобот берадиган қоидаларга мувофиқ, Интернет-банкнинг хизматидан фойдаланиш хавфи минималдир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қизғин фаолият олиб бораётган ҳамда «Mobile banking (Мобил банкнинг)» тизимининг ривожланишида муҳим таркибий қисм ҳисобланган тизимлардан бири Uzcardдир. Ушбу тизим – меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник-дастурий таъминот ва ташкилий-техник инфраструктура мажмуига асосланган тизим ҳисобланиб, нақд пулсиз тўловларни амалга оширишга хизмат қилади ҳамда микропроцессорли пластик карточкаларни тарқатувчи банкларни, товарлар ва хизмат кўрсатиш субъектларини, тижорий банкларини, шунингдек бир қанча соҳадаги ташкилотларни ягона тизимга бирлаштиради.

Ушбу миллий тўлов тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 433-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, пластик карточкалар орқали савдо-сотиқ учун қулай шарт-шароит яратиш ва аҳолидан пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш учун терминал тармоқларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. [Электрон ресурc]: <https://lex.uz/docs/3249651>.
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/akt/>.
4. <https://lex.uz/docs/3891629>.

5. Президент подписал постановление о развитии и внедрении в Узбекистане блокчейна, крипто-активов и майнинга. <https://www.spot.uz/ru/2018/07/04/blockchain> .
6. <http://www.uza.uz/>. 06-10-2017.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-578-сон 01.11.2019. <https://www.lex.uz/docs/4575786>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 сентябрь куни тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 23 сентябрь, № 201 (7703).



INNOVATIVE
ACADEMY